

3. Бахриев Е.С., Ешанов Г., «Дэўиримиздин экологиялык машкалалары». –Нөкис: «Билим», 2001.

4. Четверная конференция министров "Окружающая среда для Европы". Государства Центральной Азии: Оценка окружающей среды. –Дания: Орхус, июнь, 1998."

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қорақалпоғистон шароитида экологик инқирознинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлигига ва маҳаллий аҳолининг саломатлигига ҳимоя қилишда энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги муаммоларга баҳо берилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается оценка последствия экологического кризиса на производительности продуктов сельского хозяйства и в обеспечении основных продуктов питания для сохранения здоровья местного населения в условиях Каракалпакстана.

SUMMARY

The article discusses the assessment of the consequences of the ecological crisis on the productivity of agricultural products and in the provision of basic food products to preserve the health of the local population in the conditions of Karakalpakstan.

КОНФЕССИОНАЛ ВА САКРАЛ ГЕОГРАФИЯ – МАДАНИЯТ ГЕОГРАФИЯСИНИНГ АЛОҲИДА ЙЎНАЛИШЛАРИ СИФАТИДА

Қ.Т.Тўраев – катта ўқитувчи

Термиз давлат университети

Ш.Б.Қурбонов – география фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: конфессионал, сакрал география, маданият географияси, туризм, диний туризм, сакрал объектлар.

Ключевые слова: конфессионал, сакральная география, культурная география, туризм, религиозный туризм, сакральные объекты.

Key words: confessional, sacred geography, cultural geography, tourism, religious tourism, sacred establishments.

Кириш. Маданий география ижтимоий географиянинг фаол равишда ривожланиб бораётган алоҳида илмий йўналиши ҳисобланади. Унинг тадқиқот предмети маданият ривожланишининг ҳудудий омиллари, жараёнлари ва қонуниятлари, маданият-географик тизимларининг шаклланиш сабаб ва оқибатларини тадқиқ қилишдан иборат [1]. Маданият географиясининг шаклланиши ва ривожланишига 19 - аср охири – 20 асрнинг бошларида европалик географ-олимлар А.Мацзен, Ф.Ратцель, Э.Ханн, Д.Марш, М.Соррэ ҳамда америкалик олимлар К.Зауэр, Ричард Хартшорн ва Вилбур Зелинскийларнинг хизматлари катта бўлган. Россияда маданият географиянинг алоҳида илмий йўналиш сифатида Ю.А.Веденин, К.В.Горина, С.И.Горохов, А.Г.Дружинин, Д.Н.Замятин, И.А.Захаров, Р.М.Кабо, В.Л.Каганский, В.Н.Калуцкий, А.В.Любичанковский, В.П.Максаковский, Б.Б.Родоман, А.А.Соколова, В.Н.Стрелецкий ва бошқа географ-олимлар томонидан шакллантирилган [2].

Маданият географиясининг асосий тармоқларидан бири бу конфессионал география (дин географияси)дир. Конфессионал география фан сифатида турли дин ва диний оқимларнинг ҳудудий тарқалиши ҳамда маълум бир динга эътиқод қилувчи аҳолининг жойлашувини ўрганувчи фан ҳисобланади [3]. Географиянинг ушбу тармоғи тадқиқот доираси динларнинг дунё мамлакатлари ва минтақалари бўйлаб тарқалиши, динларнинг пайдо бўлиш ўчоқлари ва бош марказларининг географик жойлашуви, конфессиялар тарқалиш ареалларининг ўзгариб бориши, қолаверса, турли ҳудудлар аҳолисининг конфессионал таркиби ва унинг динамикасини ўрганишдан иборат.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Маданият географиясининг алоҳида йўналиши ҳисобланган конфессионал ва сакрал географиянинг шаклланиши ривожланиши, шунингдек, мазкур йўналиш бўйича олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш ушбу ишнинг мақсади ҳисобланади. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги тадқиқот вазифаларни бажариш кўзда тутилган: 1) конфессионал ва сакрал география атамасининг мазмун-моҳиятини ўрганиш; 2) конфессионал ва сакрал география тушунчаларининг ўзаро муносабатини аниқлаштириш; 3) конфессионал ва сакрал географиянинг турли ҳудудларда шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилиш.

Асосий қисм. Сўнгги йилларда жаҳоннинг қўплаб минтақаларида халқаро миграциялар, турли дин вакиллари ўртасида рўй бераётган демографик жараёнлардаги тафовутлар, ривожланиб бораётган миссионерлик ҳаракатлари, ахборот муҳитидаги турли омиллар таъсирида конфессионал макон, аҳолининг конфессионал таркиби динамик равишда ўзгариб бораётган. Бу ижтимоий-маданият жараёнлар, ўз навбатида, турли сиёсий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Натижада конфессионал географиясида “динлар рақобати” категорияси шаклланиб, долзарб илмий тадқиқотлар предметига айланиб қолди. Жумладан, бу йўналишда россиялик ижтимоий географлардан С.И.Горохов ўзининг докторлик, И.А.Захаров эса номзодлик диссертацияларини бажарганлар. С.И.Горохов жаҳон миқёсидаги динлар рақобатининг умумий манзарасини таҳлил қилиб, тегишли жараёнларни батафсил равишда Ҳиндистон материалларида кўриб чиққан бўлса, И.А.Захаров ўзининг тадқиқот ишида Тропик Африканинг конфессионал маконини сўнгги 120 йил давомида ўзгаришини комплекс равишда баҳолаган. Демак, ҳозирги босқичда, конфессиялар ўзаро муносабатларининг ҳудудий жиҳатлари, айрим динлар тарқалиш ареаллари ва таъсир доирасининг кенгайиши, бошқаларининг эса торайиб боришини ўрганиш ҳам конфессионал география предметининг муҳим элементига айланди.

Жаҳондаги барча халқларда қадим замонлардан буён муқаддас ва мўътабар қадамжолар мақомига эга бўлган объектлар мавжуд бўлган. Мазкур объектларга нисбатан “сакрал” (лотинчадан - муқаддас, табарруқ, ибодат, сиғиниш, маросим, илоҳий, сирли) тушунчаси ишлатилади. Кенг маънода “сакрал” – одатдаги нарсалардан, тушунчалардан, ҳодисалардан фарқ қиладиган, динга, илоҳиётга, ғайри табиий кучларга алоқадор барча нарсаларни англатади.

Табиат билан ҳамжиҳатликда яшаган қадимги инсонлар табиат ҳодисаларини илоҳийлаштирган, унга сиғина бошлаган, турли маросимлар ўтказган ва шунга боғлиқ ҳолда сайёрамизда сакрал жойлар юзага келган. Айрим сакрал жойлар хусусиятлари ҳозирги пайтга қадар олимлар томонидан ўз изоҳини топганича йўқ. Уларнинг вужудга келиши ва қай мақсадда бунёд қилинганлиги тўғрисида фақат гипотезалар ва турли афсоналар мавжуд (Пасха ороллари бутлари, Наска чўлидаги расмлар, Англиядаги Стоунхенж улкан тош бўлаклари ва

бошқалар). Улар илохий куч иродаси билан бирор-бир ходиса содир бўлган жойлар, турли кулътларнинг буюк авлиёлари ва уларнинг сафдошлари дафн қилинган жойлар, йўқолган динларнинг муқаддас масканлари, шунингдек, жойларда табиатнинг кўринмас кучлари яратган ноёб ландшафтлардир.

Сакрал объектлар таркибига бунёд қилинган зиёратгоҳлар (диний меъморий объектлар, қабристонлар, ибодат жойлари, эҳромлар, биноларнинг харобалари)дан ташқари кўплаб табиий объектлар – тоғлар, дарахтзорлар, ғорлар, чўлдаги белгилар, сув хавзалари (булоқлар, кўллар, дарёлар), ҳатто айрим дарахтлар ва тошлар ҳам қиради.

Диний жиҳатдан эъзозланадиган муқаддас жойлар ва объектлар мажмуаси халқ қадимий маданиятининг муҳим қисми бўлиб, бундай объектлар маданий географик адабиётларда сакрал ландшафтлар деб номланади. Сакрал ландшафтларга муқаддас (илохий) деб ҳисобланадиган ва кадрланадиган барча ҳудудий комплекслар киритилади. Улар муайян диний маросим-ларни ўтказиш, диний амалларнинг ривожланиши, ибодат маросимларини бажариш туфайли шаклланган ва шу мақсадлар учун мўлжалланган.

Маданий ландшафтдан фарқ қилган ҳолда сакрал объектлар ҳудудий комплекс бўлмаслиги ҳам мумкин ва у сакрал функцияга эга бўлган тош, дарахт, булоқ ва бошқа нуқтасимон объектлар бўлиши ҳам мумкин. Маданий ландшафт майдонининг асосий нуқталари бўлган сакрал жойлар одатда кулът амалларининг ва диний фаолликнинг марказларидан иборат бўлади ва улар бутун ландшафт ривожланишини ва унинг морфологик хусусиятларини белгилайди [4].

Бундай географик объектларни ўрганадиган маданий географиянинг йўналиши сакрал география деб аталади. Сакрал география турли халқлар ва динларнинг вакиллари муқаддас деб ҳисоблайдиган жойларни ҳудудий маданий тизим ҳисобланадиган сакрал ландшафтлар сифатида ўрганиш билан шуғулланади. Шунингдек, соҳа вакиллариининг фикрига кўра, сакрал география табиий, маданий ва тарихий мероснинг алоҳида эъзозланадиган ва муқаддас объектлар тўғрисидаги тарихий-диний билимлар тизимини ўрганадиган фан бўлиб, унда бундай объектларнинг ҳар хил турлари, уларнинг жойлашиши, пайдо бўлиш тарихи ва халқлар ҳаётидаги аҳамияти, шунингдек улар билан боғлиқ диний-маросим амалларининг тизими ўрганилади [5].

О.А.Лавренованинг таърифлашича, сакрал география атроф муҳитнинг белги сифатида намоён бўладиган географик объектлар ёки маданий ландшафтнинг элементлари ва уларни кўрсатадиган трансцедент тушунчалар, категориялар ва уларга мос бўлган белгилар тизимига айланишини англатади. Фалсафий-илмий ёндашувларнинг таҳлили ва синтези асосида сакрал география конкрет тарихий ва географик маконда борлиқнинг муқаддас-аънавий намоён бўлишини ўрганади; сакрал географиянинг умумий объекти географик қобикнинг таркибий қисми бўлган сакрал макондир [4].

Муқаддас жойлар ва уларнинг ҳудудий тизимлари сакрал географик тадқиқотнинг объектини ташкил этади. Уларнинг географик шакллари, мифологияси, мазмуни, генезиси, динамикасининг омиллари ва қонуниятлари сакрал географик тадқиқотларнинг предмети ҳисобланади [6].

Сакрал географиянинг муҳим илмий вазифаларини ҳудудий сакрал тизимларнинг ривожланиш омиллари-ни

асослаш, уларнинг шаклланиши, тузилмаси ва мослигининг қонуниятларини очиб бериш, тушунчаларнинг изоҳи ва таърифларини ишлаб чиқиш ташкил этади [7].

Сакрал географиянинг вазифалари жумласига, шунингдек, ички зиёрат туризмини ривожлантириш, инсонларда ватанпарварликни тарбиялаш, киши-ларнинг саломатлигини ва маънавий ҳаётини яхшилаш ҳам қиради.

Аҳолининг диний ҳаёти ва конфессионал фаолиятидаги ўзгаришлари кўпгина фанлар, шу жумладан, географик фанлар тизимидаги сакрал географиянинг ривожланиши учун шароит яратди. Ҳозирги пайтда Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Украина, Озарбайжон, Арманистон ва бошқа яқин хориж мамлакатлари ижтимоий география фанида сакрал географик тадқиқотларга қизиқиш кучайган. Ўзбекистонда ҳам бу йўналишга оид қатор илмий мақолалар чоп этилган, лекин йирик доирадаги тадқиқотлар ханузгача олиб борилмаган.

Умуман олганда, конфессионал ва сакрал география – маданият географиясининг таркибий қисмлари бўлиб, ижтимоий географиянинг диншунослик фани билан туташувида шаклланган илмий йўналишлар ҳисобланади. Диний ва зиёрат туризми географик жиҳатдан ўрганишда конфессионал географиядаги ҳудудларнинг конфессионал макони (ландшафти), аҳолининг диний таркибига оид маълумотларидан, сакрал географиядаги муқаддас жойларнинг ҳудудий тарқалиши ва уларнинг ноёб хусусиятлари ҳақидаги билимлардан фойдаланилади. Лекин диний (зиёрат) туристик фаолиятни ҳудудий ташкил этиш, тегишли маршрутларни, уларнинг аниқ дастур ва хариталарини ишлаб чиқиш, махсус инфратузилма тизимларини шакллантиришни асослаш каби муҳим илмий-амалий вазифалар ижтимоий-иқтисодий географиянинг таркибида шаклланган туризм географиясининг ёндошув ва методлари асосида амалга оширилади. Шундай экан, диний ва зиёрат туризми ҳудудий жиҳатдан оқилона ташкил қилиш ва туризм тармоғи сифатида ривожлантиришга хизмат қилувчи географик тадқиқотлар туризм географияси илмий йўналиши доирасида амалга оширилади.

Хулоса. Дин билан боғлиқ воқеа-ҳодиса ҳамда объектларни ўрганишда маданий географиянинг конфессионал география ва сакрал география каби илмий йўналишларнинг аҳамияти катта. Бу тадқиқот йўналишлари ўз объект ва предмети жиҳатидан ўзаро боғлиқ бўлиб, муайян даражада фарқ қилади. Конфессионал география дин ва диний оқимларнинг ҳудудий тарқалиши, унинг шаклланиши ва динамикаси, диний марказ ва ўчоқлар жойлашуви, уларнинг таъсир доираси, ҳудудлар аҳолисининг конфессионал таркиби ва унинг динамикаси, диний конфессиялараро муносабатларининг ҳудудий жиҳатларини ўрганувчи фандир. Сакрал география эса турли этник ва конфессионал гуруҳларда муқаддас деб танилган жойларни алоҳида эътиборга лойиқ маданий-географик объект ва тизимлар тарикасида ўрганади, бу жойларнинг пайдо бўлишида табиий ва ижтимоий географик омилларнинг аҳамияти, уларнинг маҳаллий маданий ландшафтдаги ўрни ва роли, туристик ва маънавий-маърифий аҳамиятини тадқиқ қилади.

Диний туризми ижтимоий географик жиҳатдан комплекс ўрганиш жараёнида конфессионал ва сакрал география йўналишидаги билимлардан маълум мақсадларда фойдаланилади. Лекин ҳудудларнинг диний ва зиёрат туризми нуктаи назардан салоҳиятини баҳолаш,

ундан оқилона фойдаланиш йўллари асослаш, махсус туристик маршрутларни шакллантириш, улар доирасида зарур инфратузилма комплексларини барпо этишни асослаш, талаб ва тақлиф вазиятини ўрганиш ва бошқа илмий-амалий масалаларни ечиш учун ижтимоий-

иқтисодий география доирасида ривожланаётган туризм географиясининг методология ва методикаси зарурдир. Демак, диний ва зиёрат туризмни ижтимоий географик жиҳатдан тадқиқ қилиш туризм географияси илмий йўналиши доирасида амалга оширилади.

Адабиётлар

1. Дружинин А.Г. Теоретические основы географии культуры. -Ростов-на-Дону: «СКНЦВШ», 1999. –С. 151.
2. Уваров М.С. Культурная география в культурологической перспективе (аналитический обзор) Культурная география. Cultural geography. // Международный журнал исследований культуры 4(5) 2011 6-18 с. <https://cyberleninka.ru/article/n/kulturnaya-geografiya-v-kulturologicheskoy-perspektive-analiticheskiy-obzor>.
3. Яблоков И.Н. Основы религиоведения. -М.: 2005.
4. Lavrenova O. Spaces and Meanings: Semantics of the Cultural Landscape. – Springer, 2019. – 216 p. ISSN 2510–442X. ISBN 978-3-030-15167. DOI:<https://doi.org/10.1007/978-3-030-15168-3>.
5. Завгородний Ю.Ю. Сакральная география и феномен паломничества. Теоретические аспекты, Древняя Русь, евразийский контекст. -М.: LAP LAMBERT Academic Publishing. 2014. –С. 88.
6. Шуканов П.В. Использование этимологического метода в сакрально-географических исследованиях. http://fullref.ru/job_ca3c8aef750565567aca41149ac1a29.html
7. Шаблий О.И Сакральная география: становление и проблемы развития. О.И. Шаблий, А. И. Висьтак. // Проблемы территориальной организации общества: тезисы докл. науч. конф. – Пермь: 1993. – С 27-28.

РЕЗЮМЕ

Мақолада маданият географиясининг тармоқларидан ҳисобланган конфессионал ва сакрал география хусусида сўз боради. Бунда конфессионал ва сакрал географиянинг шаклланиши ва ривожланиши, сакрал объектлар ва уларнинг турлари, шунингдек, маъмур йўналишда олиб борилган тадқиқотларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются конфессиональная и сакральная география как отрасли географии культуры. В том числе описывается формирование и развитие конфессиональной и сакральной географии, дополнительно приводятся исследования проведенные в данной сфере.

SUMMARU

The article deals with confessional and sacred geography as branches of cultural geography. More over, it is described formation and development of confessional and sacred geography, additionally presents investigations on this field.